



COURSE «BANK AUDITING »

«БАНК АУДИТИ» ФАНИ

LECTURE #7

МАЪРУЗА №7

**AUDIT OF CREDIT TRANSACTIONS AND
NON-CREDIT LIABILITIES IN BANKS**

**БАНКЛАРДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ
ВА НОКРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИ**

Rizaev N.K. - DSc

РИЗАЕВ Н.К – DSc

БАНКЛАРДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАР АУДИТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ



КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Ҳозирги кунда ҳар бир тижорат банки ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиб, кредит муносабатларини ушбу сиёсат орқали юритадилар. Марказий банк эса кредитлаш бўйича умумий кўрсатмалар беради.

Кредитлар ва олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари – фаол бозорда котировка қилинмайдиган, улар бўйича тўловлар олдиндан белгиланган ёки ўрнатилган ноҳосилавий молиявий активлардир



**КРЕДИТ
ОПЕРАЦИЯЛАРИ
АУДИТИ**



<https://tourquality.uz/press-center/news/1310/>

аудиторлик ташкилоти — аудиторлик текширувларини ўтказиш ва турдош хизматлар кўрсатиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти;

Аудиторлик ташкилотларининг реестри — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи расмий веб-сайтига жойлаштирилган рўйхати;




“Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси” ги № 3336 . 26.11.2021

**Банкларда
кредит
операция-
лар
аудитини
ўтказиш-
нинг
меъёрий
ҳужжат-
лари**

Банкларнинг активлари бўлган кредитлар Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом (2696-сон, 2015 йил 14 июл)

Фоизларни ҳисоблаш, кредитлар бўйича ундирилмаган фоизларни бекор қилиш ҳам инобатга олинган ҳолда “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” ги Низом (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь) га мувофиқ амалга оширилади.


**Кредитлар бухгалтерия ҳисобида акс эттириляётганда
муддати, қарздорлар ва кредитнинг мақоми бўйича
таснифланади.**



Кредитлар мақоми бўйича қуйидагича таснифланади:



Муддатли кредитлар - банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан берилган кредитлар;



Муддати ўтган кредитлар - банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар. Бу тоифадаги кредитлар муддатсиз ҳисобланиб, имконияти бўлиши билан ундириб олинади;



Шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар - ўзаро қайта кўриб чиқилган ёки қайта тузилган шартномаларга асосан муддати, янги фоиз ставкаси ёки таъминланганлик ҳолатига қўшимча талаблар ва шу каби бошқа шартномаларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган кредитлардир.

Аудитда қисқа муддатли кредитлаш операцияларининг ҳисобини юритиш учун қуйидаги баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади:

11900 Марказий банкка берилган қисқа муддатли кредитлар

12100 Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар

12300 Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар

12400 Бюджет ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар

12500 Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар

12600 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар

12700 Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар

12800 Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат фонди кўмагида берилган қисқа муддатли кредитлар

12900 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар

13000 Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар

13100 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар

13200 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар

13300 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган қисқа муддатли кредитлар

Маърузачи: Умаров З.А.

Узоқ муддатли кредитлаш операцияларининг аудитдан ўтказиш учун

14300 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун берилган узоқ муддатли кредитлар

14400 Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат фонди кўмагида берилган узоқ муддатли кредитлар

14500 Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар;

14700 Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар;

14800 Бюджет ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар;

14900 Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар;

15000 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар;

15100 Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар;

15200 Нодавлат ноижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар;

15300 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар;

15400 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар;

15500 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар.

13100 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар

13101- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар

13105- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар

13109 - Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар

13199 - Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив)



КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ



Банк томонидан берилган кредит амалдаги қийматида акс эттирилади ва у қарздорга берилган пул маблағлари суммасини ифодалайди. Банк томонидан қисқа ва узоқ муддатли кредит берилганда аудитор томонидан қўйидаги ўтказмалар текширилади:

Қисқа муддатли кредит операциялари бўйича
Дебет 11901-13301 (тегишли кредит ҳисобварағи)

Кредит 10301 - “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро” (агар маблағ олувчига бошқа тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилса), ёки Кредит – маблағ олувчининг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағи (агар маблағ олувчига мазкур банкда хизмат кўрсатилса) ёки

Кредит – 10100 – “Кассадаги нақд пул ва бошқа

КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ



Узоқ муддатли кредит операциялари бўйича

Дебет 14301-15501 (тегишли кредит ҳисобварағи)

Кредит 10301 - “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро” (агар маблағ олувчига бошқа тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилса), ёки Кредит – маблағ олувчининг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағи (агар маблағ олувчига мазкур банкда хизмат кўрсатилса) ёки

Кредит – 10100 – “Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари” (кредит нақд пулда берилганда).



БАНКЛАРДА КРЕДИТНИ БЕРИШ ҲИСОБИНИНГ АУДИТИ



<https://www.gorsi.ru/service/s/?type=%D0%90%D1%83%D0%B4%D0%B8%D1%82>

Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулквий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича ҳужжатлар баланسدан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинади (шартли 1 сўм қийматида)

Дебет 93609 - Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар
Кредит 96379 - Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ

Yadgarova M., Qurbonov R. Bank auditi. Darslik. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2019 ҅.



БАНКЛАРДА КРЕДИТНИ БЕРИШ ҲИСОБИНИНГ АУДИТИ

<https://www.bookva.org/should-you-do-your-taxes-yourself-or-hire-a-tax-preparer/>



Шу билан биргаликда берилган қисқа муддатли кредит суммаси балансдан ташқари ҳисобварақда қуйидагича ҳисобга олинади:

Дебет –91901 - Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари

Кредит – 96345 - Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи



КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ



<https://mbatime4u.com/sales-department/audit-sales-department/>



Шу билан биргаликда берилган узоқ муддатли кредит суммаси балансдан ташқари ҳисобварақда қуйидагича ҳисобга олинади:

Дебет – 91905 - Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари

Кредит – 96349 - Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи

Ibragimov A.K., Auditning xalqaro standartlari asosida tijorat banklarida ichki auditning tashkiliy asoslari. O'quv qo'llanma. – T.: Moliya. 2013. – 384 b.

БАНК АУДИТИ:



<https://www.bookva.org/should-you-do-your-taxes-yourself-or-hire-a-tax-preparer/>



Кредитлар бўйича фоизлар бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаб ёзиш усули бўйича тан олинади.

Жумада ҳисоблаб ёзиладиган фоизни ҳисоблашда одатда ҳисоб-китобга жума, шанба ва якшанбада фоизларни ҳисоблаб ёзиш учун 3 кун олиниши лозим.

Агар жорий ой жума ёки шанбада тугайдиган бўлса, унда ҳисоблаб ёзиш тегишлича бир кун ёки икки кун учун амалга оширилади. Ҳафта охирида қоладиган кун (кунлар) навбатдаги ойнинг биринчи иш кунда ҳисоблаб ёзилади.

БАНК АУДИТИ:



<https://www.bookva.org/should-you-do-your-taxes-yourself-or-hire-a-tax-preparer/>

Агар жорий кун шанбада тугаса, унда ойдаги энг охирги ҳисоблаб ёзиш жумада икки кун (жума ва шанба) учун акс эттирилади. Сўнгра, кейинги душанбада ҳисоблаб ёзиш навбатдаги икки кун - якшанба ва душунба учун амалга оширилади. Байрам кунларига нисбатан ҳам худди шундай жараён қўлланади.

БАНК АУДИТИ:



<https://www.gorsi.ru/services/?type=%D0%90%D1%83%D0%B4%D0%B8%D1%82>

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат уни бериш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида ташкилот директорига аудиторлик ташкилотлари рўйхатини юритиш бўйича давлат китобига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш қўйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

- банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга бўлган 2 та мутахассиснинг йўқлиги;

Yadgarova M., Qurbonov R. Bank auditi. Darslik. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2019 у.

Кредит бўйича фоизлар одатда ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади. (Кредитларнинг муайян турлари бўйича 360 кун базавий давр қилиб олинади). Кредит бўйича фоизлар қуйидаги формулага биноан ҳисобланади:

$$\text{Фоиз суммаси} = \frac{\text{сўндирилмаган қолдиқ} \times \text{фоиз ставкаси} \times \text{амалдаги кунлар сони}}{365}$$

Ҳисоблаб ёзиш шартномада белгиланган фоиз ставкасига асосланиши лозим.

Аудитор кредит бўйича фоизларни ҳисоблаб ёзиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини текширади:

- Дебет 16309 - Кредитлар бўйича олинган лозим бўлган чун ҳисобланган фоизлар
- Кредит 41400-44700 Кредитлар бўйича фоизли даромадлар.

Кредит бўйича фоизларнинг келиб тушиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дебет 10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд мижознинг ҳисобварағи;

Кредит 16309 “Кредитлар бўйича олиниши лозим бўлган чун ҳисобланган фоизлар”.

Агар мижоз ой якунланишига қадар кредитни қисман сўндирса, унда банк асосий қарз суммасининг ҳақиқатда сўндирилмаган қисмига фоизларни ҳисоблаб ёзиши лозим.

Агар мижоз сўндириш муддати келгунга қадар кредитни тўлиқ сўндирса, унда банк кредит бўйича фоизларни ҳақиқатда фойдаланилган кунлар учун ҳисоблаб ёзиши лозим.

БАНК АУДИТИ:



<https://tourquality.uz/press-center/news/1310/>

Ҳисобланган лекин шартнома бўйича ўз вақтида тўланмаган кредитнинг фоизи 16377 “Шартнома бўйича олиш учун ҳисоблаб ёзилган, бироқ муддатида тўланмаган олиними лозим бўлган фоизлар” ҳисобварағида акс эттирилади:

Дебет 16377 “Шартнома бўйича олиш учун ҳисоблаб ёзилган, бироқ муддатида тўланмаган олиними лозим бўлган фоизлар”

Кредит 16309 “Кредитлар бўйича олиними лозим бўлган чун ҳисобланган фоизлар”.

Yadgarova M., Qurbonov R. Bank auditi. Darslik. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2019 ҅.



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки:

Ўзбекистон Республикаси
банк тизимида кирувчи банклар
аудитини ўтказиш борасидаги
ишларни мувофиқлаштиради;

банк аудитини ўтказиш
хусусида мамлакатимиз ва чет
эл аудиторлик фирмалари
билан тузиладиган
шартномалар бўйича
буюртмачи сифатида чиқишга
ҳақли;



БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки:



<https://paasnational.com/fwac-hipaa/>

республика ҳудудида иш юритувчи аудиторлик фирмалари ва ташкилотларга банкларда аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқи учун тегишли сертификатлар ҳамда малака сертификатларини беради.



Аудитда кредитлар сифатини таснифлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш операцияларни текшириш тартиби:

Активлар (кредитлар) бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира - банк кредит портфели ва баланسدан ташқари мажбуриятларда юзага келиши мумкин бўлган ёки мавжуд зарарларни қоплаш учун қиймат суммасини ўзида акс эттирадиган банкнинг барча кредитлари бўйича зарарларни қоплаш учун ташкил этилган захиралар контр-актив ҳисобварағи.

Махсус захиралар — сифати «субстандарт», «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган мажбурий захиралар.

Стандарт активларга яратиладиган захиралар — тижорат банки фаолияти давомида умуман ёки бирор-бир фаолият тури натижасида эҳтимолий йўқотишларни қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган захиралар



<https://paasnational.com/fwac-hipaa/>



Активлар — кредит, микроқарз, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, олиниши лозим бўлган ҳисобланган ва (ёки) ундирилмаган фоизли ва фоизсиз даромадлар, банкнинг бошқа хусусий мулклари, бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида сотилган мулклар, балансдан ташқари моддалар (чақириб олинмайдиган кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ҳамда кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган бошқа активлар ва балансдан ташқари моддалар

Муаммоли активлар — сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар

Активнинг жами қиймати — активнинг банк балансида ва балансдан ташқари моддаларда акс эттирилган асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизлари, пеня, комиссия ва бошқа фоизсиз тўловлари қолдиғининг улар бўйича яратилган захира айрилмаган миқдори



Бунда банк мунтазам равишда, бир ойда камида бир марта қарздорга “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақлардаги қолдиқларга мос келадиган асосий қарз ва олинадиган ҳисоблаб ёзилган фоизлар бўйича муддати ўтган қарзнинг мавжудлигини тасдиқловчи “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағидан кўчирмани илова қилган ҳолда кредит бўйича қарзни қоплаш ва у бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаш талаб қилинган даъво хатини юбориши лозим. Даъво хати ва кўчирмалар банкнинг муддати ўтган қарзларни ундириб олиш бўйича суд органларига мурожаат этиши учун асос бўлади.

Ички аудит хизмати ва банк Бошқаруви ҳар чоракда “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағига ўтказилган умидсиз активларни ундириш бўйича қўлланаётган чора-тадбирлар ҳақида банк Кенгашини ёзма равишда маълумот беришлари шарт.

Банк Кенгаши молиявий йил якуни бўйича банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига банкнинг умидсиз активларини ундириш бўйича қўлланган чора-тадбирлар ҳақидаги масалани киритади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ibragimov A.K., Auditning xalqaro standartlari asosida tijorat banklarida ichki auditning tashkiliy asoslari. O'quv qo'llanma. – T.: Moliya. 2013. – 384 b.
2. Karaliyev T. Fayzullaeva M. Bankovskiy audit.TMI. 2014.
3. Yadgarova M., Qurbonov R. Bank auditi. Darslik. –T.: «IQTISOD-MOLIYA» 2019 y.
4. Tuychiyev A., Qo'ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I., Avazov I. Audit. Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 530 b.
5. [Wally Smieliauskas](#), [Kate Bewley](#). Auditing: An International Approach Hardcover. McGraw-Hill Ryerson; 6 edition. 800 pages. 2014.
6. David O'Regan. International Auditing: Practical Resource Guide 1st Edition, Wiley; 1 edition, 312 pages. 2015.
7. Fayziyev Sh.N., Dusmurov R.D., Karimov A.A., Qo'ziyev I.N., Avlokulov A.Z. Audit. Darslik. –T. OQTISOD-MOLIYA, 2015. -392 b.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ !

